

Афғонистон бўйича халқаро конференция тўғрисида



“Афғонистондаги вазиятни тартибга солишда Ўзбекистон ва Покистон саъй-ҳаракатлари: ўзаро манфаатли ҳамкорлик истиқболлари” мавзусида халқаро онлайн-конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ҳамда Покистон глобал ва стратегик тадқиқотлар маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ҳар икки мамлакатнинг таҳлилий ва тадқиқот марказлари экспертлари, Покистонлик дипломатлар, хавфсизлик ва ташқи сиёсат соҳасидаги олимлар ва мутахассислар иштирок этди.

Тадбирда Афғонистон инқирозини ҳал этишда Ўзбекистон ва Покистоннинг роли бош мавзу бўлди. Мулоқот иштирокчилари Афғонистон иқтисодиётини тиклаш, Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги трансмиллий ҳамкорликни ривожлантиришга ҳисса қўшадиган қўшма лойиҳаларни амалга ошириш истиқболи масалаларини муҳокама қилишди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва

минтақалараро тадқиқотлар институти директорининг биринчи ўринбосари Акрамжон Неъматов сўзга чиқиб, халқаро ҳамжамият, жумладан минтақавий мамлакатларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида Афғонистонда тинчлик ўрнатиш масаласида муайян ишлар амалга оширилаётгани, тез кунларда Доха шаҳрида Афғонистон ҳукумати ва Толибонлар ўртасида тўғридан тўғри музокаралар ўтказилиши режалаштирилаётганини қайд этди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Афғонистон Президенти Ашраф Ғани ташаббуси билан 2018 йил март ойида Тошкентда Афғонистон бўйича ташкил этилган халқаро конференция якунида қабул қилинган Тошкент Декларацияси Афғонистонда тинчликни таъминлаш бўйича ўзига хос стратегияга асос сифатида хизмат қилди.

Жорий йил февраль ойида Доха шаҳрида АҚШ ва “Толибонлар” ҳаракати ўртасида Тинчлик шартномаси тузилиши тинч инклюзив музокаралар жараёни бошланишида муҳим қадам бўлди. У Афғонистонда юз берган 40 йиллик урушни якунлаш бўйича тарихий имконият чратди ва афғон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиш имконсизлигини яна бир бор тасдиқлади.

А.Неъматов Афғонистонни ижтимоий-сиёсий тиклашда жаҳондаги йирик мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар мамлакатни сиёсий жиҳатдан қатъий қўллаб-қувватлаши ва молиявий кўмак бериши муҳимлигини таъкидлади. Бу мамлакат барқарор ва узоқ муддатли тинчликка эришишининг зарур шартидир.

Ўзбекистоннинг афғон муаммосини ҳал қилишдаги иштироки дипломатик саъй-ҳаракатлар билан чекланиб қолмаслиги қайд этилди. Бугунги кунда Ўзбекистон транспорт, иқтисодиёт, энержетика ва таълим соҳаларидаги лойиҳаларни амалга ошириш орқали Афғонистондаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилашга салмоқли ҳисса қўшмоқда, пандемия туфайли юзага келган гуманитар

инқирозни енгишда қўшни мамлакатга салмоқли ёрдам бермоқда.

Хусусан, озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармон воситаларининг узлуксиз транзитини таъминлаш мақсадида мамлакатимиз Ўзбекистон - Афғонистон чегарасидаги назорат-ўтказиш пунктлари ишини штат режимида таъминлади ва Ўзбекистондан Афғонистонга ва Афғонистондан юртимизга юк ташишда 50 фоизгача чегирма бериш муддатини 2020 йилгача узайтирди.

Ушбу чора-тадбирлар ўзаро савдо кўлами ошишига, шунингдек, дунёнинг барча мамлакатлари учун бундай оғир вазиятда Афғонистонга етказиб берилаётган маҳсулот турларини кенгайтиришга муҳим ҳисса қўшди.

Масалан, 2020 йилнинг биринчи ярмида ўзаро савдо 24 фоизга ўсган ва 332,9 миллион долларни ташкил этган. Темир йўлда юк ташиш ҳажми 50,7 фоиз ўсган ва 2,20 миллион тоннани ташкил этган. Бу гуманитар инқироз шароитида Афғонистонда барқарорликни таъминлашда муҳим омил ҳисобланади.



Покистон Глобал ва стратегик тадқиқотлар маркази бош

директори, генерал-майор Ҳолид Амир Жаффрий Афғонистондаги вазиятни тартибга солишда Ўзбекистон томонидан қабул қилинаётган саъй-ҳаракатларга эътибор қаратаркан, Афғонистондаги музокараларни ўтказиш бўйича ҳозирги амалий натижаларга эришишда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилган Тошкент конференцияси муҳим роль ўйнаганини қайд этди.

Унинг сўзларига кўра, конференция якунида имзоланган Тошкент Декларацияси Афғонистонда узоқ муддатли ва барқарор тинчликка эришиш, Афғонистоннинг мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги ва миллий бирлигини ҳурмат қилиш, барча афғонларнинг тенг ҳуқуқларини таъминлаш, зўравонликка барҳам бериш сингари муҳим жиҳатларни қамраб олган стратегик ҳужжат ҳисобланади.

Генерал-майор Жаффрий Афғонистонга қўшни Ўзбекистон ва Покистон мамлакатда тинчлик жараёнини ўрнатиш ва Афғонистонни тиклашда муҳим роль ўйнаши мумкин ва лозимлигини қайд этди.

Айни дамда у Ўзбекистон Президентининг Афғонистонни минтақавий савдо-иқтисодий алоқаларга жалб этиш бўйича ташаббусларини ҳам алоҳида таъкидлади.




Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва

минтақалараро тадқиқотлар институти Марказ раҳбари Бахтиёр Мустафоевнинг қайд

этишича, Афғонистонда тинчлик ўрнатилиши Жанубий ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида трансмиллий ҳамкорликни кенгайтириш учун кенг имкониятлар эшигини очади.

“Мозори-Шариф – Қобул - Пешавор” темир йўл йўлаги қурилишига оид лойиҳанинг амалга оширилиши Марказий Осиё мамлакатларига Гвадар ва Карачи денгиз портларига чиқиш ва шу орқали ўз экспорт салоҳиятини тўла ҳажмда намоён этиш имконини беради. Айни дамда бу Марказий Осиёдан Яқин Шарқ ва Жанубий Осиё мамлакатларига турли маҳсулотларни етказиб беришда Покистонни минтақа мамлакатлари учун муҳим хабга айлантиради.

Бахтиёр Мустафоевнинг сўзларига кўра, Афғонистонда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда мамлакат иқтисодиётини тиклаш учун миллий кадрлар тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Ана шу мақсадда 2018 йилнинг январь ойида ҳамда жорий йил Термиз шаҳрида Президентимиз ташаббуси билан Таълим маркази очилди. Бу ерда ҳозирги кунда 172 нафар талаба “Ўзбек тили ва адабиёти”, “Акушерлик ва ҳамширалик иши”, “Ер усти транспорт тизими ва уларнинг эксплуатацияси” йўналишлари бўйича таҳсил олишмоқда. Талабаларнинг 46 нафари қизлар.



Панжоб университети профессори Нияз Аҳмад Ахтарнинг сўзларига

кўра, сиёсат, иқтисодиёт ва маданият соҳаларидаги афғон инқирозини ҳал этишда Ўзбекистон томонидан қабул қилинаётган амалий чора-тадбирлар Покистон манфаатларига тўла жавоб беради.

Ўзбекистоннинг Афғонистонда амалга ошираётган инфратузилма ва иқтисодий лойиҳалари Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги трансмиллий ҳамкорликнинг улкан салоҳиятидан фойдаланиш имконини беради.

Бу борада покистонлик олим Ўзбекистоннинг янги минтақавий сиёсати Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни янада фаоллаштиришга туртки беради.

Ўз навбатида, Марказий Осиё мамлакатлари ва Покистон ўртасидаги салоҳият ва ҳамкорликни ривожлантириш имкониятларини тадқиқ этиш мақсадида жорий йил июнь ойида Панжоб университетида Минтақавий интеграция маркази очилди.



Покистоннинг Афғонистондаги Фавқулудда ва мухтор элчиси

Зоҳид Насрулло Хон Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги ва Афғонистондаги вазиятни тартибга солишдаги муҳим ролини қайд этган ҳолда, Исломободнинг Ўзбекистон билан қатор масалалар бўйича ҳамкорлигини фаоллаштиришдан манфаатдор эканини билдирди. У Ўзбекистон афғон

йўналишида прагматик ва изчил сиёсат юритаётганига алоҳида эътибор қаратди.

Зоҳид Насрулло Хон тез орада афғонлараро музокараларни ташкиллаштириш имконияти хусусида фикр билдирганда, Афғонистон ўз тараққиётининг муҳим босқичига кўтарилаётганини таъкидлади. Унинг сўзларига кўра, Ўзбекистоннинг ишончли шерик сифатидаги халқаро имижини ҳисобга олганда, Тошкент ва Исломободнинг афғон йўналишидаги саъй-ҳаракатларини бирлаштириш расмий Қобул раҳбарлигида сиёсий жараённи қўллаб-қувватлаш бўйича халқаро ҳамжамиятни бирлаштириш ҳамда Афғонистонга можаролардан кейинги даврда иқтисодий кўмак беришга хизмат қилади.



Покистон Глобал ва стратегик тадқиқотлар маркази

маслаҳатчилари Кенгаши аъзоси Саид Назир Муҳманд Афғонистондаги тинчлик ва барқарорлик Покистон ва Ўзбекистоннинг умумий манфаатларига жавоб беришини қайд этди.

Бундан ташқари, покистонлик экспертнинг сўзларига кўра, Тошкент ва Исломобод ШХТ ва Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти орқали Афғонистонда барқарорликни таъминлашда муҳим роль ўйнаши мумкин. Ўзбекистоннинг Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотидаги иштирокини фаоллаштириш ва унинг ўзаро манфаатли ва мунтазам мулоқотини йўлга қўйишга тайёрлиги кўп томонлама лойиҳаларни амалга оширишга кенг имконият яратади.



Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва

минтақаларо тадқиқотлар институти бўлим бошлиғи Рустам Хуррамовнинг фикрича, иқтисодий ва инфратузилма лойиҳаларининг амалга оширилиши Афғонистон Ислом Республикасидаги вазиятни барқарорлаштирибгина қолмай, Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги трансминтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга ҳам кучли туртки беради.

Бу мамлакатлар ўртасидаги маданий-иқтисодий ҳамкорликнинг ҳали рўёбга чиқмаган салоҳиятини тўла амалга ошириш имконини беради. Масалан, Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги товар айланма ҳажми 2019 йил якунларига кўра, 5 баравар ўсди ва 123 миллион долларни ташкил этди. Айни пайтда 2016 йилдан 2019 йилгача Покистондан Ўзбекистонга ташриф буюрган сайёҳлар сони 400 нафардан 4 минг нафарга яъни, 10 баравар ошди.

Конференция якунида иштирокчилар Афғонистондаги тинчлик ва барқарорлик Марказий ва Жанубий Осиё минтақасини барқарор ривожлантиришда истиқболли “драйвер” сифатида улкан трансмиллий лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур шароит яратади, деган фикрни билдиришди.

Конференция Покистон ОАВда кенг ёритилди ва ижобий баҳоланди.

Покистоннинг “IslamabadPost”, “National Herald Tribune”, “The News” нашрлари Афғонистон масаласи бўйича навбатдаги Ўзбекистон - Покистон конференцияси ҳақида фикр билдирар экан, Афғонистондаги вазиятни тартибга солишда Ўзбекистон томонидан қабул қилинаётган чора-

тадбирлар кенг қамровли эканига эътибор қаратди.

Хусусан, **“The News”** нашри “Афғон уруши - тарихдаги энг узоқ давом этган можаролардан бири” сарлавҳали мақолани чоп этди. Унда газета шарҳловчилари Ўзбекистоннинг Афғонистон мустақкам тинчликка эришишида қўшма саъй-ҳаракатларни бирлаштириш зарурлиги тўғрисидаги таклифини юқори баҳолади.

Муаллифлар фикрича, Ўзбекистон томонидан Афғонистонда амалга оширилаётган транспорт-инфратузилма лойиҳалари афғон заминини Жанубий Осиёни Евроосиё минтақаси билан боғлайдиган қуруқликдаги кўприкка айлантиради, икки қардош мамлакат ўртасидаги географик тўсиқларни енгиш имконини беради.

“Islamabad Post” газетаси кузатувчилари ушбу фактни тасдиқлаган ҳолда, “Ўзбекистон - Покистон - Афғонистон: тинчлик учбурчаги” сарлавҳали мақолани чоп этди. Унда Шавкат Мирзиёев ҳукумат бошқарувига келиши билан “Ўзбекистоннинг Афғонистонга оид сиёсати мамлакат ташқи сиёсий стратегияси кун тартибига чиққани” айтилади. Ўша пайдан буён Ўзбекистон афғон муаммосига нисбатан чуқур ва оқилона ўйланган сиёсатни юритмоқда.

Бу борада **“National Herald Tribune”** газетаси Ўзбекистонни афғон майдонидаги масъул иштирокчи, деб атаб, Ўзбекистон ва Покистон ҳукумати Афғонистондаги тинчлик жараёнини мамлакатдаги кўп йиллик инқирозни барқарорлаштирадиган ягона усул сифатида баҳоламоқда.

Манба